



# Ishonch

**Моҳият**  
 Бугун биз қўлга киритаётган юксак марраларга етишда юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, менинг ҳам меҳнатим, хизма-тим бор, деб бошини баланд кўтариб яшашига ҳақлидир.  
 Ислам КАРИМОВ

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasi nashri / Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН НОГИРОНЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИНИНГ БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида Аргентинада ўтказилган 2010 йилги жаҳон чемпионатида голибликни қўлга кири-тиб, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишда жасорат ва матонат намунасини кўрсатгани учун қуйи-дагилар мукофотланди:

«Дўстлик» ордени билан

**Кариев Рустам Игамбердиевич** — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг бош мураббийи

**Турсунбоев Хайдарали Умаралиевич** — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

«Жасорат» медали билан

**Арапов Мухаммадазиз Хакимович** — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

**Рустамов Умарали Махмудович** — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

**Тураҳўжаев Қудрат Сайдиллаҳўжаевич** — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2010 йил 3 ноябр

## ОЗАРБОЙЖОН МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ



Пойтахтимиздаги «Ўзэкспо-марказ»да 5 ноябр куни Озарбойжон Республикасининг Миллий кўргазмаси очилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Озарбойжон Республикаси Иқтисодий ривожланиш вазирлиги ва «Ўзэкспо-марказ» Миллий кўргазма компанияси очик акциядорлик жамияти ҳамкор-лигида ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Элёр Фаниев ва Озарбойжон иқтисодий ривожланиш вазири Шаҳин Мустафоев мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳа-ларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлади.

Тошкентда очилган Озарбойжон миллий кўргазмаси ҳам Президентлар келишувига биноан ташкил қилинди. Бу тадбир келгуси-да Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш ва икки томонлама ҳамкор-лигининг янги қирраларини кашф этишга хиз-мат қилади.

Аъло АБДУЛЛАЕВ (Ўза) олган сурат

## Янги Ўзбекистон янгиликлари

Фарғона вилоятида хусу-сий ва жамоз мулкчилигига асосланган 50 га яқин авто-транспорт хўжалиги фаолият кўрсатапти.

## Йўловчиларга қулайлик

Улардан бири «Фарғонатрансхизмат» МЧЖ ҳисобидаги автобус-лар 300 дан ошди. Мазкур хўжалик вилоят марказидаги 16 та йўна-лиш, қатор шаҳар ва туманларга қатновчилар учун хизмат кўрсат-моқда.

— Шаҳар ичидаги қатнов 300 сўмдан. Хусусий йўналишли так-силарга нисбатан 200 сўмга арзон, — дейди Фарғона давлат уни-верситети талабаси Гавҳар Умрзоқова. — Риштон шаҳридан ўқишга қатнайман. Риштондан Фарғонагача йўлқира 800 сўм. Айниқса, би-лет пластик картонкага сотилиши кўнгилдагидек иш бўлди. Дуго-наларим билан душанба куни бир ҳафталик билетни сотиб ола-миз. Автобусларнинг аниқ ҳафтад асосида қатнаши вақтимизни ре-жалаштиришга имкон берапти.

Улуғбек ИБОДИНОВ, «Ishonch» мухбири

«Алфа-Омега» илмий-ишлаб чиқариш фирмаси Жондор туманидаги истиқ-болли тадбиркорлик субъектларидан бири.

## Маҳсулот тури кўпаймоқда

Бу ерда «Саноат кооперацияси негизда тайёр маҳсулотлар, бут-ловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаш-тириш» дастурида кўзда тутилган имтиёزلардан самарали фойда-ланиб, жорий йилнинг ўтган даврида 230 минг флакон тиббий шам-пун тайёрланди.

Изчил ҳаракатлар натижасида маҳаллий хом ашёдан радикулитга қарши белбоғлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишчилар сони икки бараварга ошди, 26 нафар-га етди. Яқин ойлар ичида бу ерда вазелин ишлаб чиқариш тех-нологияси ҳам ўзлаштирилади.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Тошкентдаги «Ўзэкспо-марказ»-даги халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржада Самарқанд-да фаолият юритаётган қатор корхоналар ҳам иштирок этди.

## Фойдали келишув

Ўтган йили «Стеклопластик», «Самарқанд бурғу асбоблари», «СамНегин», «Самантегплам», «Ургут газ қарпэт» каби йигирма-дан ошди корхона иштирок этиб, хом ашё етказиб бериш ва хар-ид қилиш бўйича 5 млрд. сўмлик шартнома имзоланган эди. Бу йил эса 7 млрд. сўмлик шартнома тузилиши кўзда тутиляпти. Шу-нингдек, 36,6 млн. АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотни экспорт қилиш имконияти мавжуд.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

## Эркин фуқаролик жамияти сари

### Истеъмолчи манфаати йўлида

Қонунга итлоат этиш демократик давлатнинг муҳим белгилари-дан биридир. Истиқлол йилларида турли жамоат ҳамда нодавлат-нотижорат ташкилотлари ташкил этилди. Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамият-лари Федерацияси ҳам шундай муассасалар сирасига киради. Бугунги кунда истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши бора-сида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Федерациянинг Ахборот ва матбуот бўлими бошлиғи Жамшид Мақсудовга мурожаат этдик.

— Қайси соҳада, ким бўлиб ишлашимиздан қатъи назар, ҳаммамиз истеъмолчимиз. Хар-идор, томошабин, йўловчи, уй-жойдан фойдаланувчи си-фатида ушбу йўналишда ҳуқуқларимиз таъминланган дейиш учун барча асослар етарлими? — Мустақиллик шарофати би-

лан фуқароларнинг шаъни, кадр-қиммати, моддий, маънавий, ҳуқуқий манфаатлари олий қадри-ят даражасига кўтарилди. Респуб-ликаимизнинг барча тармоқларида-ги истеъмол турлари бўйича аҳолининг ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси-нинг 2002 йил 28 ноябрдаги «Ис-теъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя

қилишда жамоатчилик иштироки-ни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори шу маънода айни мuddao бўлди. Бугунги кун-га қадар жамиятимиз фаолияти кирраларининг кенгайтиришга хиз-мат қилувчи ўнлаб муҳим ҳужжат-лар қабул қилинди. «Йод этиш-маслиги касалликларни профилак-тикаси тўғрисида»-ги ҳамда «Дори воситалари ва фармацев-тика фаолияти тўғрисида»-ги Қонунлар, Президентимизнинг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғри-сида»-ги, «Ўзбекистон Республи-касида 2010 йилгача бўлган дав-рада хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жа-даллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорлари, «Тайёр гўшт-сут маҳ-сулотларини сифати устидан ти-зимли комплекс назорат ўтказиш тартиби тўғрисида»-ги Низом шу-лар жумласидандир.

(Давоми 2- бетда)

## Солиқ ва ҳаёт

### Имтиёз тараққиётга хизмат қилмоқда

Мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилган эътибор иқтисодий имтиёзлар, хусусий тадбиркорликнинг янада равнақ топиши-га хизмат қилаётди. Бериллаётган қатор имтиёз ва пре-ференциялар ишни янада юксалтиришда қўл келаяпти. Масалан, микрофирма ва кичик корхоналарнинг солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ҳамда бошқа мажбурий туловларни давлат хизмати органларига ҳар чо-ракда тулаш, тадбиркорлик фаолияти юритиш учун руҳ-сатнома турларининг қисқартирилиши ҳамда илҳозат тартиб-қоидаларининг соддалаштирилиши, текшириш-лар сонининг эса камайирилиши айни мuddao бўлди.

Президентимизнинг 2007 йил 21 майдаги қарорига кўра, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритувчи корхоналар учун кўзда тутилган имтиёзлар-ни қўллаш 2012 йилнинг 1 январига қадар узайтирил-ди. Шу каби рағбатлантирувчи аҳамиятга эга чора-тадбирлар гўшт-сут маҳсулотлари ҳамда мева-саба-зотларни қайта ишлаш билан шуғулланувчи корхона-ларга ҳам йўналтирилди.

(Давоми 3- бетда)



2011 йил учун «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари обуна давом этмоқда.

### Демак...

Сиз обуна бўлишга кеч қолмадингиз. Юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар, дунё саҳнида рўй бераётган турли воқеалардан хабар-дор бўлишни истасангиз, газеталаримизга тезда обуна бўлинг.

### Агар...

Бир йил мобайнида газеталаримиз билан узлуксиз ошно бўлишни хоҳла-сангиз, имтиёзли обундан фойдаланинг. Агар шундай қилсангиз, 1 йиллик обуна тўловидан 15 фоиз кам тўлаган бўласиз.

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

### Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъмин-лаш борасида амалга оширилаётган демократик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнининг босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаолигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил қилган «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзусидаги ижодий танловга давом этаётганлигини маълум қилади.

#### Танлов шартлари

Танловга 2010 йилнинг 1 январидан 2010 йилнинг 1 декабрга қадар республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-мо-ҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ша-роит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мам-лакатда фаолият олиб бораётган босма омма-вий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ курсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада

тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида маълумотлар (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) илова қилинади.

Ҳолилар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбеки-стон Республикаси Миллий маркази, Ўзбеки-стон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилиги (Омбудсман), ҳуқуқшунос олимлар, малакали мутахассис экспертлар ва ҳуқуқий мавзуга ихтисослашган журналистлардан таркиб топган жюри хайъа-ти томонидан аниқланади.

#### Танлов голибларига мукофотлар

Ҳолиблар диплом ва қимматли совга-лар билан тақдирланади.


Материаллар «Инсон ҳуқуқлари журналист ни-гоҳида» мавзусидаги ижодий танловга» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ах-борот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида 2010 йил 5 декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри, 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 244-15-96, 244-12-51, www.mmt.uz, e-mail: mmt@uzpak.uz, mmt.uz@mail.ru.

Ташкилий қўмита

# Она ва бола саломатлиги – муҳофазада

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган барча савб-ҳаракатлар замирида баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад мужассам.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Сирдарё вилоятида ҳам соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатувчи бирламчи тиббий масканлар фаолиятини юксак даражада ташкил этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Республика «Она ва бола» скрининг маркази Сирдарё вилояти филиалида туғиш ёшидаги аёллар ва чақалоқлар соғлиғи муҳофазаси бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.



Нарзулла ФАЙЗИЕВ (ЎЗА) олган сурат

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгашининг IV конференциясида беш йиллик мобайнида амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, баъзи туман кенгаши фаолияти танқидга учраган эди. Жумладан, Нишон туманидаги айрим таълим муассасаларида жамоа шартномаларини тузишда Меҳнат кодекси ва вилоят кенгаши курсатмаларига риоя қилинмагандлиги, тарафлар вакилларининг музокаралар олиб бормасдан расмиётчиликка йўл қўйиш ҳолатларига эътибор қаратилди.

## Касаба уюшма ҳаёти

сида моддий ёрдам кўрсатиш аниқлашга айланган. Жорий йилда 100 нафар ўғил-қиз ёзги оромгоҳларда дам олдиларди. IX аъноавий тармоқ спар-

ни беришмоқда.

Мақтаблардаги кимё, биология, физика лабораторияларида, компютер хоналаридаги махсус жиҳозлар ва электр асбоб-ускуналари

Танқид — келажак меваси, деб бежиз айтилмаган. Айни пайтда Шомали Файзуллаев раҳбарлигидаги туман касба уюшма бирлашган кўмитаси мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича иш олиб бормоқда. — Туман бирлашган кўмитасида 66 та таълим муассасасининг 3825 нафар ходими ҳуқуқлари ҳимоя қилинади, — деди биз билан суҳбатда Ш.Файзуллаев. — Шундан 3362 нафари хотин-қизлардир. Жорий йилда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида янги касбақўмлар сайланди ва улар билан бир неча бор ўқув семинарлари ташкил этилди. Мақсад — ёш раисларга касба уюшма ишчи чукрорқ ўргатиш, уларни зарур меъёрий-ҳужжатлар билан таъминлаш ҳамда фаоллигини оширишдир. 1-, 2-, 3-, 5-, 20-, 35-, 38-мактабларда касба уюшма хоналари ажратилиб, талаб даражасида жиҳозланди. Мактаб маъмурияти билан

# Янги кўмитада ишлар қандай?

биргаликда бешта бошланғичи компютер билан таъминланди. «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови туман босқичи ўтказилиб, унда 3-мактабнинг касба уюшма кўмитаси раиси Авазой Тўраева галиб деб топилди. Бундан ташқари, касба уюшма фаолларини, кам таъминланган, ёш болалар педагог ходимларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Уларга байрам саналари арафа-

такиадасининг туман босқичи ташкил этилиб, унда 750 нафар педагог ходим волейбол, стол тенниси, армрестлинг, аркон тортиш, шахмат, шашка бўйича куч синашишди. Жамоа шартномалари бандларининг бажарилиши аҳоли ўрганиб чиқилмоқда. Муддати ўтган шартномалар янгидан тузиляпти. Жумладан, 21 та мактаб, 9 та мактабга таълим муассасасида жамоа шартномалари янгиланди. Бу борада экспертларимиз ҳам ўз хулосалари-

текширилиб, меҳнат муҳофазаси бўйича масъуллар бириктирилди. Йўриқномалар тарқатилди. Дарҳақиқат, туманда ижобий ўзгаришлар жадал амалга оширилаётганлиги қувонарли ҳолдир. Янги тузилган кўмиталар ўз фаолиятини ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойитиб, ходимларнинг касба уюшма ташкилотига бўлган ишончининг янада ортишига ҳисса қўшапти.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

## Етакчи минбари

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий йўналишларидан бири нодавлат ва жамоат ташкилотларининг жамиятдаги фаолигини оширишдир. Бу энг оммавий жамоат ташкилоти бўлган касба уюшмаларига катта масъулият оқлайди. Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ўзгаришлар, демократик ислоҳотлар замирида ўзбек халқи учун муносиб келажакни таъминлаш, эркин ва фаровон турмуш тарзини яратиш, ёш авлоднинг жисмонан соғлом, маънан баркамол бўлиб вояга етишиши учун барча имкониятларни вужудга келтириш каби вазифалар турбиди. Инқирозга қарши чоралар дастурининг бажарилишига кўмаклашиш борасидаги тадбирларда Ўзбекистон касба уюшмалари федерацияси муносиб ҳисса қўшмоқда. Бугун касба уюшмалари ўз олдида турган вазифаларини теран ҳис этиши, жойларда юзага келаятган муаммоларни биргаликда ҳал қилиши, келгусида қайси йўналишларга кўпроқ эътибор қаратишни аниқлаб олиши лозим.

# Камарбаста

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада ривожланишини таъминлаш, мамлакат иқтисодийнинг барқарор фаолият юритишида унинг ролини ошириш учун Президентимизнинг 2009 йил 15 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унда тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор имтиёз ва преференциялар жорий этилиши назарда тутилган.

Касаначиликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, қарорда таъкидланганидек, кичик корхона ўз уйларида ишлаётган (касаначилик билан шуғулланаётган) фуқаролар билан, қонун ҳужжатларида белгиланган ходимлар сонининг чекланган нормативидан кўпи билан 30 фойз ошган миқдорда меҳнат шартномалари тузганда, назарда тутилган кафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар сақланиб қолади. Назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш, шубҳасиз, кичик бизнесни жадал ривожлантириш, хусусий тадбиркорлик фаолиятини муваффақиятли ташкил этиш ва юритиш, уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг гоят муҳим, устувор вазифаларини ҳал этишдаги ролини ошириш учун яна ҳам кўпроқ қулай шарт-шароитларни яратиш беради.

Маълумки, касба уюшмаларининг асосий вазифаларидан бири бандликка кўмаклашишдир. Шунинг эътиборига олиб, 2009 йилдан янги иш ўринларини яратиш дастурлари прогноз кўрсаткичлари ижроси мониторингини сифатли ва тўлақонли амалга ошириш мақсадида бу жараёнга касба уюшма органлари ҳам жалб этилмоқда.

Касаба уюшма органлари ўзлари томонидан ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолиятни ривожлантириш, кичик бизнес субъектларини барпо этиш ҳамда фуқароларнинг шахсий ёрдамчи ва фермер хўжалиқларида қорамол ўстиришни рағбатлантириш ҳисобига 1000 та янги иш ўрни яратишни режалаштирди. Бу нафақат янги иш ўринларини яратиш, балки касба уюшма бюджетга маблағларини кўпайтиришга имкон яратди.

Урни келганда айтиш жоиз, университетимиз касба уюшмаси ёш мутахассисларни иш билан таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Биргина Сурхондарё вилоятида 150 нафар битирувчимиз касба уюшма ҳаракати билан ишга жойлаштирилди. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда корхо-

наларда жамоа шартномаларининг айрим тадбирларини ижтимоий ҳимоя нуктаи назардан кучайтириш мақсадга мувофиқдир: — корхоналарда ёрдамчи хўжаликлар фаолиятини янада ривожлантиришга интилиш; — ёш оилалар учун ипотека кредитлари бўйича имтиёزلарни кенгайтириш; — кам таъминланган, ёлғиз қарияларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалий тадбирлар ўтказиш; — олий ўқув юрларида таҳсил олаётган етим, кам таъминланган, ногирон талабаларга контракт тўловларини тўлашга ёрдам бериш; — биринчи навбатда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ мuddат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш, ёш оилаларга уй-жой қурилиши учун фойсиз ссудалар бериш ва хоҳоз.

Шунингдек, меҳнат муҳофазаси учун йўналтирилган маблағларнинг сарфланиши устидан касба уюшма назоратини кучайтириш лозим. Яна бир муҳим тадбирларимиздан бири қатъий тежамкорлик режими қўллашдир. Бунинг учун барча бошланғич касба уюшма кўмиталарига корхона, иш берувчилар билан биргаликда тежамкорлик тадбирларини ишлаб чиқиш, бажарилишини ташкил қилиш керак. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш соҳасида касба уюшма вазифалари улкан. Хар йили 65-85 миң киши касба уюшма сийҳатгоҳларида соғломлаштирилади. Биргина университетимизда 2009-2010 йилда 678 нафар профессор-ўқитувчи ва ходимлар сийҳатгоҳларида ўз саломатликларини тиклашди.

Инқирозга қарши чоралар Дастурида қишлоқдаги ҳаёт даражасини ошириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш вазифаси қўйилмоқда. Халқаро экспертлар Ўзбекистоннинг ўзига хос муҳим жиҳатлари — жадал иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари ва инвестиция киритиш қирати яратилган қулай шартнолар баробарида ижтимоий соҳага устувор эътибор қаратилиши, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш доимий эътиборда эканлигини таъкидлашмоқда. Дарҳақиқат, ҳозирги мураккаб шартнода барчамиз бунёдкорлик фаолиятимизни яқдиллик, ҳамжихатлик, меҳр-оқибатлик каби қадриятларимизга таянган ҳолда йўлга қўймоғимиз лозим. Бу эса иқтисодий ўсиш ва фаровонликни таъминлаш шубҳасиз.

К.АЛИМОВ, ТДИУ бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси

# Муносиб етакчи жамоа ишончини албатта оқлайди



«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйининг аҳил жамоаси 2-қаватдаги мўъжазгина залга шошилишарди. Бугун бу ерда сайлов. Аъзолар бир неча йиллардан бери касба уюшма кўмитасига раислик қилиб келаятган Муҳиддин Толипов бошқа ишга ўтаётганлиги сабабли унинг ўрнига муносиб етакчини сайлашга йиғилишган. Ишчи-хизматчилар номзодларни ўзаро муҳокама қилишарди.

— Айни вақтда мазкур корхонада 700 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Бошланғич касба уюшма кўмитаси раҳбари ҳар ишда ташаббускор, маъмурият билан бир ёқадан бош чиқариб фаолият кўрсатмоқда. Катта ижодий жамоа билан ишлашининг ўзи бўлмайди. Номзодларни танлашда ҳам масаланинг айнан шу жиҳатига асосий эътиборни қаратиш лозим, — дейди Маданият ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг раиси Малика Жалилова. Тадбир бошланди. Касаба уюшма кўмитаси раиси Муҳиддин Толипов кейинги вақтда корхонада амалга оширилган ишлар тўғрисида қисқача тўхталиб ўтди. — Ташкилотга етакчилик қилган давримда фақатгина аҳил жамоага ишониб иш кўрдим, — деди ўз сўзида Муҳиддин Толипов. — Мени қўллаб-қувватлаганили учун миннатдорчилигини билдираман. Жамоамизнинг 64 фойзи хотин-қизлардан иборат. Агар етакчиликка ёш, жамоа билан тиллаша ола-

диган аёллардан қўйилса, касба уюшма ташкилоти янада фаолашган бўларди.

Касаба уюшма кўмитаси раислигига кўмита аъзоси, бригада бошлиғи Феруза Мирқомолова номзоди кўрсатилди. У бир овоздан касба уюшма кўмитасининг раиси этиб сайланди.

— Раисликка сайланган Феруза Мирқомолова гайрат-шижоатли ёшлардан, — дейди «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйининг раҳбари Зойир Исажонов. — Тошкент тўқимачилик ва энгил санаят институтининг матбаачилик факултети тугатган. Айни вақтда цехда 12 нафар ходимнинг сардори. Уйлайманки, у жамоанинг ишончини оқлайди.

Сўзга чиққанлар Ф.Мирқомоловага ишонч билдиришар экан, унинг етакчилиги муносиблигини, ходимлар манфаати йўлидаги тинимсиз савб-ҳаракатларида жамоа, албатта, тиргак бўлишини таъкидлашди.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ishonch» мухбири

## Эркин фуқаролик жамияти сари

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Федерацияга фуқаролардан келиб тушаётган шикоят ва аризалар истеъмолнинг кўпроқ қайси турига мансуб ва уларни ҳал этиш кўрсаткичи қай даражада?

— 2010 йилнинг 9 ойи давомида идорамиз ва унинг ҳудудий бўлиналарида жами 5596 киши мурожаат этган. Уларнинг энг кўпи, яъни 27,7 фойзи савдо, 16,5 фойзи газ таъминоти, 10,6 фойзи коммунал хизмат кўрсатиш, 10,2 фойзи электр таъминоти, 4,7 фойзи сув таъминоти, 4,4 фойзи алоқа, 3,9 фойзи транс-

ХТ«Павленко» дўконидан 1 250 000 сўмга «Indesit» русулли музлатгич сотиб олган. Кафолат мuddати давомида музлатгичда жиддий нуқсонлар аниқланган. Худудий бирлашмаимиз аралашуви билан истеъмолчи ушбу нарх ва русумдаги янги, сифатли музлатгичга эга бўлди.

Шайхонтоҳур тумани, Т.Меҳмононова 1-тор кўчаси, 1-ўйда яшовчи Д.Шермухаммедова

рациямиз ва унинг жойлардаги тизимлари аралашуви билан қоплаб берилди. — Сўнгги йилларда республикамиз бўйича пластик карточкаларда ҳисоб-китоб қилиш анча оммалашди. Бу борада юзага келаятган муаммолардан ҳам кўз юмиб бўлмайди...

— Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида

да яшовчи М.Камолова «999» дорихонасидан дори воситаси сотиб олиб, тўловни пластик карточкада амалга оширган. Муассаса сотувчиси истеъмолчининг пластик карточкадан 26 800 сўм ортқича пул олиб қолган. Жамият ходимлари томонидан истеъмолчига етказилган ушбу зарар ундириб берилди.

— Истеъмолчилар ҳуқуқи самаралироқ ҳимояланиши учун яна қандай ишларни амалга ошириш керак, деб ўйлайсиз?

— Аввало бир нарсани унутмаслик даркор. Яъни, фуқароларимиз ҳам истеъмолчи сифатида ҳақ-

# Истеъмолчи манфаати йўлида

порт, 2,2 фойзи соғлиқни сақлаш ва 19,8 фойзи бошқа соҳаларга тегишли. Масалан, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, 9-мавзе Муталов кўчаси 3-ўйда яшовчи Х.Хамдамов «NIRE» дўконидан 141000 сўмга кийим сотиб олган. Лекин у сифатсиз эканлиги учун харидор ўша дўконга қайтариб олишларини сўраб борганида, сотувчилар рад этишган. Шундан сўнг Х.Хамдамовнинг мурожаати ҳудудий бирлашма томонидан ўрганиб чиқилди. Натижанда, 141000 сўм миқдордаги пул истеъмолчига қайтариб берилишига эришилди.

Мурожаатларнинг 95,9 фойзи ижобий ҳал этилди. Натижанда истеъмолчиларга етказилган 755 млн. сўмдан зиёд зарар Федерациямиз ва унинг жойлардаги тизимлари аралашуви билан қоплаб берилди.

— Сўнгги йилларда республикамиз бўйича пластик карточкаларда ҳисоб-китоб қилиш анча оммалашди. Бу борада юзага келаятган муаммолардан ҳам кўз юмиб бўлмайди... — Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида

хуқуқларини яхши билишлари зарур. Уларнинг манфаатига зарар етказилган тақдирда қачон, қаерга ва қандай мурожаат қилиш кераклигини яхши билишлари лозим. Шунинг учун ташкилотимиз томонидан тарғибот ишлари қизгин олиб боришмоқда. Жорий йилда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кенг жамоатчилик, тадбиркорлар, ўқув ва тиббиёт муассасаларида ўқув-семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этилди. Бундан ташқари, Федерациянинг ҳар бир ҳудудий бўлими ва туман жамиятларида Маслаҳат марказлари ташкил этилган.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

«Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — тараққиётимиз таянчи» республика танловига

Юлдузларга интилиб



«Биз дунёдаги тараққий тоған давлатлар сафига киришни мақсад қилар эканмиз, авваламбор, олимларимиз, уларнинг илми, обрўси оламга машхур бўлиши, жаҳон илм-фанининг юксак мезонларига мос бўлиши зарур», дея Юртбошимиз алоҳида таъкидлаган эди.

йил Асака туманидаги 42-ўрта мактабда ўқитувчилик қилгач, пойтахтга келиб, УЗМУ физика факултети аспирантурасига ўқишга кирди. Фаолиятини 2000 йилдан бошлаган Отабек УЗФА Астрономия институтида ўриндошлик асосида инженер, кичик илмий ходим, катта илмий ходим, етакчи илмий ходим лавозимларида ишлаб келмоқда. 2004 йили УЗМУда астрофизика, радиоастрономия мутахассислиги бўйича номзодлик ишини химоя қилди.

лар кузатувининг замонавий усуллари, шу усуллар билан олинган кузатув маълумотларига математик дастурлар тузиш ва таъминлаш, турли операция системаларда ёзилган стандарт қайта ишлаш дастурларида фаол иштирок этмоқда. Янада аниқроқ айтиладиган бўлсаки, гравитацион линзаланган системалар устида таъкидот олиб бормоқда.


учун рангларнинг тўлқин ёруғлик ва узунлигида 2000-2003 йилларда кузатув маълумотлари банки яратилди. Тузилган банк 335 кунлик маълумотга эга бўлиб, ҳажми 17 Gbни ташкил этади. Бу эса гравитацион линзалар моделини тузиш ҳамда Хаббл доимийлиги (сайёранинг кенгайиш тезлигини билдирувчи катталик)нинг аниқ қийматини топишда қўл келади.

темалар соҳаси бўйича нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда етакчи мутахассислардан саналади. У жамоат ишларида ҳам фаол. Талабчан ва интилувчанлиги боис 2005 йилдан бунён Астрономия институтига касба уюшма қўмитасига жамоатчилик асосида раислик қилиб келмоқда.



Кубада 68 киши ҳалок бўлди

Пайшанба кун Кубада 61 нафар йўловчи ва 7 кишилик экипажи бўлган АТР 72-212 самолёти ҳалокатга учради. Борда маҳаллий йўловчилардан ташқари яна ўн та давлат фуқаролари борлиги аниқланди.



Канадалик «хотамтойлар»

Ҳаётда ҳамма ҳам лотореядан катта миқдорда пул ютиб олавермайди. Қолаверса, ютганларнинг ҳаммаси ҳам пуlining дегарли барчасини хайрияга сарф қилмайди.



Солиқ ва ҳаёт

Имтиёз тараққиётга хизмат қилмоқда

Яна бир муҳим жиҳат, бу 2012 йилнинг 1 январигача бўлган даврда ихтисослаштирилган «Мевасабавоттайёрловсавдо» компаниялари ягона солиқ тўлови тўлашдан озод қилинганлиги бўлди. Бушаган маблағлар мевасабавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум тайёрлаш ҳамда сақлаш объектларини айланма маблағ билан таъминлаш, уларни техникавий қайта жиҳозлашга ишлатилди.

Дикқат, мултфилм!



Фарзандингиз нимага қизиқади?

Чет эл мултфилмлари болаларни ёвузлик, ваҳшийлик ва хунук овозларга ўргатаётгани ҳақида ОАВда кўплаб чиқишлар қилинганидан хабарингиз бор, албатта. «Эҳтиёт бўлинг, мултфилм!» ҳужжатли филми барча ўқув муассасаларида намойиш этилгани ҳам бежиз эмас.

Вулқон хавфли тус олмоқда

Сўнги хабарларга кўра, Индонезиянинг Ява оролидаги Мерапи вулканининг отилиши натижасида 44 киши ҳалок бўлган.


Шерлар ҳужуми

Зимбабве табиати ҳимоя қилиш бошқармаси тарқатган маълумотга қараганда, мамлакатдаги «Мана-Пулс» миллий паркида кеч киргач, очик ҳудудда душ қабул қилаётган саёхатчи шерлар галаси хужум қилди.

Шарофат НОРКУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Ёнғиннинг олдини олиш ҳар бир фуқаронинг бурчи

Ёнғиндан сақланиш ўта ҳушёрликни талаб этади. Чунки озгина эҳтиётсизлик катта кўнгилсизликларга олиб келиши мумкин.



Интернет хабарлари асосида Фозил МАМАШАРИПОВ тайёрлади

«Respublika Mulk-Auksioni» ДК Самарқанд вилоят филиали очик Аукцион савдоларига таклиф этади

1. 2010 йил 9 декабр кунин соат 11.00 дан бошлаб бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига Нуробод тумани, «Омонбой» ҚФЙ, «Коракулча Нуробод маскани» ММТП худудиде жойлашган якка тартибдаги уй-жой куриш учун 600 м²дан иборат 10 та ер майдони қўйилади, ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси 41 508 сўм.

Ўтганларнинг охирига бод бўлсин
Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Марказий кенгаш юридик бўлими мудири Арипжон Гайназарова падади бузруквори
АБДУЛЛАЖОН отанинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Маънавият сабоқлари



Тонг юз кўрсатмасдан бошида ироқи дўппи, эгнида атлас кўйлак, оёғига зардўзи шиппак кийган келинчак ёруғ ният билан дарвозани очаётиб, шу катта хонадон, шу оқибатли одамлар бундан буён ўзиники эканлигини ҳис қилиб, ширин энтикади. Кутлуғ остона, шу муқаддас даргоҳ ҳаққи Яратганга шукрона айтиб, таъзим қилади. Ибо билан сув сепиб, кўча, ҳовли супуради.

Маҳаллага келин тушди

Чиннидек супурилган ҳовлига, яшнар турган гулу райхонга, сўридаги тузатиғлик дастурхонга боқиб қайнонанинг баҳри дили очилади. Елкасига тўн ташлаб ҳовлига чиққан қайнона саломга гулдек эгилган келинчакка иқбол тилайди. Ул гўзал паривашнинг мамоҳатию ибосидан кўвболанинг кўнгли осмон. Назокат билан чой узатаётган, тотли-тотли таомлар пишираётган, юриш-туришида нафосат барқ уриб турган келинчакка боқиб, қайнонанинг гўлида пинҳона ширин орзулар уйғонади.

Навниҳол келинчак нонуштага пиширган жамбилу райхонлик мастава барчага ёқади, хонадон аҳлининг кўнгли ул ёққан чироқдан ёришиб, ўзгача кайфият ва руҳий кўтаринчилик билан ишга отланади. Қайнона келинчакнинг кўлидан чой ичгани чиққан кўшни хотинларга билиб-билиб, кўнглидагини топиб иш қилган келиннинг мақтайди: «Келиним ўзимга тортиди. Кўзимга қараб кўнглидагини тушунади-я. Бу сўзни эшитган қайнона ҳам шукрона айтади. Келинчакка: «Тарбиялаган ота-онанга минг раҳмат!», дейди.

Яши тарбия кўрган қиз нафақат оиласининг, балки жамиятнинг, миллатнинг кўркидир. Негаки, миллат келажаги бўлажак оналар қўлида. Ҳар бир дунёга келган гўдакнинг тарбия мақтаб даставвал она кучоғи, оила муҳити, қолаверса, маҳалла ҳисобланади. «Бир болага етти маҳалла ота-она», деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Шунинг учун ҳам комил инсон тарбиясида «Соғлом она — соғлом бола — соғлом жамият» узвийлиги муҳим аҳамият касб этади. Миллий маънавиятнинг донишмандлари бу борада шундай фикр билдирганлар: «Оналар (аёллар) тарбияси комил бўлган миллат хамиша гўлиб ва музаффардир».

Яши тарбия кўрган қизлар кўрган оила шунинг учун ҳам мустаҳкам бўлади. Тарбияли келинчак қайнона қайнона, умр йўлдоши ва унинг яқинлари ҳурматию жойига қўяди, уларнинг дуосини олади. Бундай оқила, фозила ва латофатли келинлар тезда хонадондагилар дилига меҳр чирогини ёқиб, оила фаришчасига айланадилар. Бундай одобни ўзига сеп қилганлар кўзи ҳеч қачон ёш кўрмайди. Улар оиланинг азиз фарзанди бўлиб, тул қўйиб, илдиз отадилар, ҳаётлари тинч-тотув ва мазмулли ўтади.

Еши улуг нуронийларимиз қизларни жамият танасида оқиб турган қонга қиёслашади. Негаки, қон қанчалик тоза ва соғлом бўлса, вужуд ҳам баркамол бўлади.

Бугун атрофимизда содир бўлаётган айрим иллатлар — жамият вужудидаги тоза қонга — унинг тарбияси, одобига бепарво, лоқайд қараганимиз натижаси сифатида юз кўрсатмоқда. Айрим қизларимиз ўзларининг кимлигини, қай миллат фарзанди эканлигини унутиб қўйяптилар.

Шаҳар айланасан, бозор кезасан, атрофини кўзатасан, айрим қизларнинг хулқ-атвори, қилиш-қилмишлари, юрагинини қабартиради. Яқиндагина шаҳримиз бозорларининг бирида ўзим гувоҳ бўлган воқеадан ранжиганам ҳам рост.

Бозор барибир бозорда, унда бурчак йўқ, фақат гирдуб бор. Эҳтиёт бўлмасанг юборади. Бу ерга кимдир нафс, кимдир тирикчилик, яна бошқаси мол сотиб, бойлик орттириш, харидорлар эса эҳтиёллари учун улбул сотиб олиш илҳинида келади. Олувчидан сотувчи кўп. Расталар оралаб юрган ёши ўн саккизга тўлиб-тўлмаган қиз харидор чақиради: «Кеп қолинг, об қолинг. Тўра йигитлар ейдиган қора қўчқорнинг гўштидан бўлган сомса. Еганлар дармонда, емаганлар армонда. Сотаману кетаман». Ҳамроҳимдан уялиб ерга қарайман, қиз эса овозини баралла қўйиб молини мақтайди: «Думбали сомса, иссиқина, ёлқичина сомса...». Ҳаёлимдан шу қиз

эртага қандай келин бўладию, қандай қилиб бир оилани бошқаради, унга қай тарзда маънавият олиб қиради, деган фикр келаверади. Қизнинг отаси ўлиб кетган бўлиши мумкин, аммо ака-укаси бордир, уларнинг қўзи қаерга қараган экан-а? Юрагим оғриниб бозор айланаман.

— Қанақа отасиз, қизимга айтганини олиб бермасангиз! Таниш овоз келган томонга қарайман: ун йил олдин катта қизининг қилмишидан уялиб, маҳалладан ҳамма ухлаган ярим тунда аширичча кўчи кетган қўшнимиз. Қизи қўшни маҳаллалик бир йигитга илақиб қолди. Матридатли, оқибатли оила бошлиқлари «қўзимиз очик экан, бу қизни келин қилмаймиз» деб туриб олишди.

Ана шу собиқ қўшнининг эри янги урфда тикилган қўйлақни бир четга отиб сотувчи юзланади: — Бундоқ, елкалари ёпиқроғи йўқми? — Унга жавобан сотувчи аёл лабини буради.

— Замондан орқага қолиб-сиз, оқа, тўғриси айтаверинг қўнғанимиз «мазаси йўқ» деб. Яхисиси, анови арзон бозорга боринг. Истаганингни зўра ердан топасиз.

Эркак бир қалқиб тушади. Олай деса қўйлақ алламбало, олмай деса, қизи тушмагур гапга қирмайди.

Уларни хижолат қилмаслик учун ўзимни четга оламан. Кўз ўнгимда ўсган бу қизни ҳурматсизликка ўргатган аввало она шу ота-онаси эмасмиди?!

Инсофу манфаатнинг кўр бўлган қўзини оцадиган вақт келди. Озод юртимизга маънавият баланд, шарқона одоб билан тарбияланган қизлар жуда ярашади. Минг афсуски, кўплаб қизларимиз турмуш қуриш, рўзгорни тоза-озода тутишга тайёр эмас. Таглик-туглик жойдан

келин қилган дугонанинг хасратидан чанг чиқади: — Келиним иззат-ҳурматни билмайди. Салом бермайди. Эрталаб ҳаммадан кеч туради, тайёр дастурхонга келиб ўтириб, уни йиғштирмай уйига кириб кетади. Тушликкача қайтиб чиқмайди. Ота-онаси боборў одамлар, айтишга уялман. Онаси ор деб талашадиган хотин эди. Бой келин олмай, менгина ўлай, қўлимдан супурғи-ю калғир тушмай қолди. Нима қилай, элу юртдан номус қиламан!?

Ҳа, қизларда табиат ато этган гўзалликдан ташқари қалб, фикр, ақл-идрок гўзаллиги бўлмаса қийин экан. Болаликдан гўзал хулқли, одобли, андишали бўлиб камолга етган қизларга албатта иқбол ёр бўлади. Улар ҳеч қачон қийинчиликлар олдида саросимага тушмайдилар. Оғир қунларда руҳларини туширмай барча мушкулларни ақл-идрок, кучли тиродалари билан енгадилар. Шундай қизларга эл бўлсангиз, бир умр бахтга йўғрилиб яшасиз.

Келин тушириш таралдуида юрибман-у, кўз олдимдан келинлик даврим кетмайди. Қайнонам Барно биби Буронбек қизи кенг феълли, саловетли, саранжом-саришта, келинча қайишадиган бўлганлари, билмаганимиз ўрғатиб, бошимни ошириб, йўғимни яширганлари учун турмушда адашмадим, яхши-ёмон кунда меҳробатни ўзимга зев билдим. Келиним ҳам шундай бўлишини, оиламдагилар ўртасида яхшилик элчиси бўлиб яшашини истаيمان.

Негаки, ҳар бир кишининг ҳаётдан мамнулиги ўз оиласидан бошланади, хонадонда яхши муҳит бўлса, ишида унум бўлади. Бундай бахтиёр оилаларимиз келажаги ва безаволлиги қизларимиз, келинларимиз, қайноналаримиз қўлидадир.

Амина КОДИРОВА «Ishonch» мухбири

Осиё чемпионати — (U-16)

Финал эшиклари очик

Мамлакатимизда олиб борилётган кенг кўламли иш-хотлар натижаси ўлароқ эришаётган ютуқларимиз, муваффақиятларимиз кишини қувонтирмай қолмайди, албатта. Айниқса, спорт соҳасида кўлга киритилган галабалар обрўга обрў, нуфузга нуфуз қўшмоқда.



Ҳеч кимга сир эмаски, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида футболни ривожлантиришни давлат томонидан янада кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ўзбек футболининг янада кенг қулоқ отишида муҳим аҳамият касб этади. Бу фикримизга далилни, ҳеч бир муболағасиз, 4 ноябр куни «Пахтакор» марказий стадионида кўрдик.

Шу кун Усмирлар ўртасида (U-16) Осиё чемпионатининг ярим финал учрашувлари ўтказилди. Албатта, барча ўзбек футбол муҳлислари каби биз ҳам асосий эътиборимизни Ўзбекистон ва Австралия ўсмирлар терма жамоалари ўртасидаги баҳсга қаратгандик. Баҳс кескин ва муросасиз кечиши кўпчилик томонидан таҳмин қилинган эди. Чунки ҳар икки жамоа Мексикада бўлиб ўтказилган жаҳон чемпионатида чипталарни нақд қилиб қўйган, ўйини биров бўлса-да босимсиз ўтказиш имконияти бор эди. Бу фикрни Австралия терма жамоаси бош мураббийи Йохан Верслейн ҳам ўйиндан кейинги матбуот анжуманида эътироф этади. Табиийки, босимсиз футболчилар эркинроқ ўйнашади, натижа эса унчалик катта аҳамият касб этмайди. Фақат Ўзбекистон термаси учун эмас. Чунки ўз ўйинида деворлар ҳам кўллаб-қувватлаётган бир пайтда, майдонни бош эгиб тарк этиш...

Хуллас, ўйин кескин курашлар билан бошланди. Ташаббусни кўлга киритиш ва тезкор гол жамоамиз учун зарур эди. Александр Евстафеев ҳам буни шогирдларининг қулоғига қўйган шеклилли, ўсмирларимиз дастлабки дақиқалардан рақиб жарима майдончасини қамал қилишди. Бу — футбол, вакилимизни жарима майдончаси яқинида чалиб йиқитган рақиб футболчиси минг афсус чеккан бўлса, ажаб эмас. Бу кўполикни 17-дақиқада сардоримиз Аббос Махталиев ўзининг аниқ ва кучли зарбаси билан жазолади.

Ҳужум устига ҳужум. Футболчиларимиз прессинг қўллашнинг ҳам анчагина ҳадисини олганликлари яққол кўриниб турди. 31-, 38-дақиқаларда ўсмирларимиз томонидан уюштирилган ҳужумлар ҳам хавфли кўриниш олди. Бир сафар дарвозабон, бир гал дарвоза тўсини «кенгур»ларни голдан асраб қолди. 43-дақиқада эса австралияликлар бурчак тўпини тепиш ҳуқуқини кўлга киритишди. Самуэль Жон Чаплининг чап оёқда амалга оширган зарбаси ўзига ҳос троектория ҳосил қилишини кутмаган дарвозабонимиз Ганишер Холмуродовнинг қўлидан сирғалиб, дарвозамиз тўрига тушди.

Иккинчи бўлимини ёш футболчиларимиз янада шиддатли ҳужумлар билан бошлашди. Уларнинг австралиялик тенгқурлари эса позиция ҳимоялашга таяндилар. 65-дақиқада сардоримиз рақиблар қуршовини ёриб ўтиб, олдинга ташланди. Айни вазиятда ҳужумчимиз Темур Ҳакимов очилиб бораётган эди. Лекин Махталиев ўзи зарба беришга қарор қилди. Зарба ноаниқ кетди. Ўйин тугашига 15 дақиқа қолганда эса рақибларимиз бизни яна бир бор бурчак тўпидан жазолаши мумкин эди. Аммо Нортон дарвозага яқин жойда таққибдан холи ҳолатда бўлса-да, зарба беришда оқсади. 80-дақиқада уюштирилган рақиблар ҳужуми ҳам анчагина ташвиш келтирди. Бахтимизга дарвозабонимиз сергаклик намойиш этиб, жонимизга оро кирди.

Ўйиннинг 90-дақиқаси ўтаётган бир паллада Асилгон Раҳмонов, чамаси, 35-40 метрлардан зарба йўлади. Пол Давид Иззо эса тўпини қўлидан чиқариб юборди. Дарвозабон билан юзмаюз қолган Аббос Махталиев эса рақиб дарвозасини ишғол этади ва жамоамизга финал йўланмасини тақдим этади.

7 ноябр куни мусобақанинг финал учрашуви бўлиб ўтади. Бу баҳсда вакилларимизга рақиблик вазифасини, япониялик тенгқурларини 2:1 ҳисобида мағлуб этган КХДР ўсмирлар терма жамоаси баҳарлади.

Биз, ниҳоят, финалдамиз! Баракалла, йигитлар! Бутун Ўзбекистон сизни кўллаб-қувватламоқда! Фақат, олга!!!

Адахам АРСЛОН, «Ishonch» мухбири


«Спорт ўйинлари» кроссворди

Ёйлар бўйича: 1. XVI Осиё ўйинлари бўлиб ўтадиган давлат пойтахти. 2. XX асрнинг бразилиялик таникли футбол мураббийи. 3. Мусобақаларда ўйин голиби аниқланадиган сўнги, ҳал қилувчи босқич. 4. Тигли спорт анжони. 5. Сувада ўтказиладиган пойга спорти. 6. Дунё мамлакатларида кенг оммалашаётган миллий, беллашув спортими. 7. Ўзбекистон Республикаси спортчилари биринчи марта иштираётган муваффақиятга эришган XII Осиё ўйинлари бўлиб ўтган мамлакат пойтахти. 8. Кимўзар, маррага етиб бориш мусобақаси. 9. Сузиш мусобақалари ўтказиладиган иншоот. 10. Ватанимизнинг моҳир гимнастикачиси, олимпиада ўйини совриндори, халқаро мусобақалар чемпиони. 11. Спорт мусобақасини бошқариб, қатнашчиларнинг чиқишларини баҳоловчи. 12. Металл рамага резина амортизаторлар билан горизонтал ҳолатда тортиб маҳкамланган тўрда машқ бажариладиган спорт тури. 13. Ютуқ, муваффақият. 14. Мамлакатимиз олий табақа футбол жамоаси. 15. Мусобақа чемпионига тақдим этиладиган медал тури. 16. Шамол кучи билан ҳаракатланувчи сув спорти воситаси. 17. Пойга мусобақасида сакраб ўтиладиган мослама. 18. Футбол ўйини дарвозаси қисми. 19. Масофани босиб ўтиш ва олдинга ҳаракат қилиш билан боғлиқ спорт мусобақаларининг бошланиш ўрни. 20. Сувори. 21. Хоккей ўйини тўли. 22. Пойгада босиб ўтиладиган масофанинг сўнги нуқтаси. 23. Ўзбек курашида соф галабага бериладиган баҳо. 24. Футболда тўпини тепишли, боксда рақибни енгитиш асоси. 25. Футболчининг махсус пойабзали. 26. Спорт мусобақаси соврини. 27. Иккала қўл ва оёқларни сувдан чиқармай бир маромда симметрик ҳаракатлантириб, кўкрак билан сузиш усули. 28. Паст-банд, йўлсиз, турли табиий тўсиқлар бўлган жойда ўтказиладиган пойга. 29. Қадимда шошилинч хабарларни етказган сувори. 30.

Асосан автомобил пойгалари ўтказиладиган кенг йўл. 31. Бир тиззада туриб олиб, эркин ҳолатдаги қиска эшак билан бошқариладиган енгил спорт қайғи. 32. Мамлакатимизда илосмандлар ўртасида ўтказилган теннис биринчилиги. 33. Спорт мусобақаси намойиш этиладиган жой. 34. Юқорига чирмашиб чиқиш спорти анжони. 35. Хиросимада 1994 йил ўтказилган Осиё ўйинларининг совриндори бўлган таникли ўзбек боксчиси. 36. Ҳаёдада учиб бораётган нишонга сочма ўқ билан отиш учун жиҳозланган махсус майдонча. 37. Ватани Миср мамлақати ҳисобланувчи ақлий спорт ўйини. 38. Одатда кураш беллашувлари ўтказиладиган жой. 39. Махсус тайёрланган автомобиллар ёки мотоциклларда белгиланган маршрут бўйлаб ҳаракатланишда уларни бошқариш маҳорати бўйича мусобақа. 40. Шашка ўйинидаги кучли дона.

МУАММОНОМА

Авалло, қуйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган калит сўзларни топинг. 1. Таникли ўзбек курашчиси, олимпиада ўйинлари ва халқаро мусобақалар совриндори — 6, 1, 3, 18, 7, 2, 17, 19. 2. Спортнинг японча миллий яккама-якка кураш тури — 13, 21, 22, 13, 8. 3. Миллионлар ўйини номини олган спорт — 20, 10, 6, 15, 8, 4. 4. Спорт беллашуви учун мўлжалланган, тараф, эластик гилам — 6, 1, 6, 1, 5, 2. 5. Қиска масофага югуриш, сузиш бўйича ўтказиладиган мусобақа — 9, 11, 7, 2, 3, 6, 6. Тигли қурол билан амалга ошириладиган яккама-якка мусобақа — 14, 2, 4, 2, 16, 15, 8, 21, 4, 2, 12. Энди калит сўзлари жавоблари асосида шакл атрофи ва марказидаги рақамларда яширинган ибратли сўзларни билиб олинг. Фозилжон ОРИПОВ



Advertisement for 'Ishonch' newspaper, including contact information, subscription rates, and a list of staff members like Alla DOLJENKOVA and Anvar YUNUSOV.